

Жиззахдаги «Янгиқишлоқ» жоме масжидига илк тамал тоши қўйилди



10:05 / 18.06.2019 1516

Кунни кеча Жиззах вилояти Фориш туманидаги «Янгиқишлоқ» жоме масжиди биноти қўрилишига илк тамал тоши қўйилди. Бу ҳақда muslim.uz сайти хабар беради. Маросимда Жиззах вилоят ҳокими ўринбосари Э.Исматов, вилоят бош имом-хатиби Меҳмонали домла Жабборов ва бошқа мутасаддилар, масжид жамоати иштирок этдилар. Йиғилганлар хайрли дуо, эзгу ниятлар билан табаррукона биринчи ғиштни қўйиб бердилар. Масжид тез орада қад кўтариб, ҳудуд аҳолисининг диний-маърифий билимлари, ахлоқи, ибодатлари учун мунаввар маскан бўлиб хизмат қилишини тиладилар.

Алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур масжид Жиззах-Нурота-Навоий катта йўли ёқасида жойлашган бўлиб, зиёрат туризми ҳамда маҳаллий йўловчиларнинг ибодатларини адо этиб олишлари учун қулай нуқта ҳисобланади. Шу боис, олти сотихдан ортиқ майдонда қўрилаётган янги масжид 800 кишини сиғдира оладиган катта хонақоҳ, таҳоратхона, аёллар учун намозхона, қўшимча маъмурий хоналардан иборат бўлиши режалаштирилган. Аҳамиятlisi, масжид ҳовлисида ёрдамчи хўжалик

ташқил этилиб, иссиқхона барпо этиш кўзда тутилган.







Islom.uz портали таҳририяти